

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ ШАКЛЛАРИ

Хидиров Ғанишер Тожимуродович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби мустақил тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15679512>

Аннотация. Ушбу мақолада тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ) устидан суд назоратининг шакл ва мазмун уйғунлиги ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Муаллиф суд назоратининг шаклини унинг мазмунидан ажратиб бўлмаслигини таъкидлайди ва уларни диалектик боғлиқ тушунчалар сифатида асослайди. Мақолада суд назоратининг шакллари турли илмий қараешлар асосида тизимли равишда тавсифланган: илтимосномаларни кўриб чиқиш (жорий назорат), шикоятларни кўриб чиқиш (процессуал назорат) ва суд муҳокамаси давомида амалга ошириладиган назорат (кейинги назорат).

Шунингдек, суд назоратининг ташаббускорлиги, субъекти ва асоси, уни амалга оширишдаги ҳуқуқий механизмлар ва муаммоли нуқталар таҳлил этилган. Муаллиф айрим олимларнинг фикрларини танқидий таҳлил қилиб, ўз таклиф ва хулосаларини илгари суради. Хусусан, ТҚФ устидан суд назорати фақат назорат қилувчи орган эмас, балки инсон ҳуқуқларини реал ҳимоя қилувчи ҳуқуқий институт сифатида қаралиши лозимлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, суд назорати, назорат шакли, жорий назорат, процессуал назорат, суд муҳокамаси, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий механизм, ташаббускорлик, конституциявий ҳуқуқлар.

Аннотация. В данной научной статье проведён глубокий правовой анализ взаимосвязи формы и содержания судебного контроля за оперативно-розыскной деятельностью (ОРД). Автор подчёркивает, что форма и содержание являются диалектически взаимосвязанными понятиями, и судебный контроль как правовой институт проявляется в конкретных процессуальных формах. В статье подробно рассмотрены три основные формы судебного контроля: рассмотрение ходатайств (текущий контроль), рассмотрение жалоб (процессуальный контроль) и контроль, осуществляемый в ходе судебного разбирательства (последующий контроль). Проведён сравнительный анализ научных позиций В.В. Маслова, В.И. Иванова, А.Ю. Шумилова и сделаны авторские выводы о правовой природе контроля. Отдельное внимание уделено основаниям и субъектам инициации контроля, а также его роли в защите конституционных прав. Автор приходит к выводу, что судебный контроль должен носить активный, инициативный характер и служить эффективным инструментом защиты прав личности, а не быть лишь формальным актом согласования.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, судебный контроль, формы контроля, текущий контроль, процессуальный контроль, последующий контроль, права человека, правовой механизм, инициативность, конституционные права.

Мазмун ва шакл диалектик уйғун ва бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар бўлиб, уларни тадқиқ этиш жуда мураккаб ва кенг қирралидир. Шаклни мазмундан, мазмунни эса шаклдан амалда ажратиш мумкин эмас. Чунки мазмун бирон шаклсиз амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлмаганидек, бирон шакл ҳам мазмунсиз бўлмайди¹.

¹ Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: Назарий ва методологик муаммолар. Юридик фанлари доктори дисс. -Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2005.-43 б.

Тезкор-кидирув фаолияти устидан суд назоратининг моҳияти ва мазмуни албатта уни амалга ошириш шаклларида намоён бўлади.

Назорат шакли—процессуал ҳаракатларни амалга ошириш шартлари, тартиби, кетма-кетлиги, бажариш муддатлари ва процессуал ҳаракатларни тасдиқлашни ўз ичига олувчи процессуал фаолиятни амалга оширишнинг алоҳида усули ҳисобланади².

Илмий адабиётларда³ мазкур назоратнинг икки шакли ажратиб кўрсатилади:

- 1) ТҚТларга рухсат бериш ҳақида илтимосномаларни кўриб чиқиш(жорий назорат),
- 2) Тезкор-кидирув фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақида шикоятларни кўриб чиқиш(процессуал назорат).

В.В. Маслов ТҚФ устидан суд назоратига юқоридагилардан ташқари, назоратнинг юқоридаги шакллари юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини юқори судлар томонидан кўриб чиқилишини ҳам киритган⁴.

Аммо, суд қарорларининг қонунийлигини текшириш ҳуқуқий табиатига ва тартибга солиш предметида келиб чиқиб алоҳида институт эканлиги сабабли, мазкур фикрни асосли деб бўлмайди.

В.И. Ивановнинг фикрига кўра, ТҚФ устидан суд назорати дастлабки ва тафтиш тартибидаги назоратга бўлинади, тафтиш тартибидаги назорат амалга оширилган ТҚТларнинг қонунийлигини текширишни англатади⁵.

Бироқ, амалга оширилган ТҚТларнинг қонунийлигини текширишни тартибини тафтиш деб номланиши мақсадга мувофиқ эмас, сабаби назоратнинг ушбу шакли превентив назоратдан фарқлансада ТҚФ устидан жорий назоратнинг таркибий қисми ҳисобланади, бунда тадбир ўтказилгандан кейин суд назорати амалга оширилишини инобатга олиб кейинги суд назорати деб номланиши тўғри бўлади.

Профессор А.Ю.Шумилов эса суд назоратининг предметида келиб чиқиб: 1) шахснинг ҳуқуқларини чекловчи тезкор-кидирув тадбирларига рухсат бериш ҳақида илтимосномаларни кўриб чиқиш; 2) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ўтказилган ТҚТларнинг қонунийлигини кейинги текшириш; 3) ТҚФ фаолиятини амалга оширувчи органларга нисбатан шикоятни кўриб чиқиш; 4) ТҚТни ўтказишга рухсат бериш рад қилинганлиги сабабли судья ва ТҚФ фаолиятини амалга оширувчи орган ўртасида низони кўриб чиқишга ажратган.

Бироқ, бизнингча, судья ва ТҚФ фаолиятини амалга оширувчи орган ўртасида низони ҳал қилиш, ТҚФ устидан назоратнинг алоҳида шакли бўла олмайди, сабаби ушбу муносабатлар шахснинг ҳуқуқларини чекловчи тезкор-кидирув тадбирларига рухсат бериш ҳақида илтимосномаларни кўриб чиқишнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Бироқ, суд назорати нафақат ишни судга қадар юритиш босқичи балки ишни мазмунан кўриш давомида ҳам амалга оширилади.

² Иванова Т.Ю. Участие прокурора в доказывании на предварительном следствии: Дис. канд. юрид. наук. Самара. 1999. 71 б.

³ Гуськова Н.Г., Муратова А.П. Судебное право: история и современность судебной власти в сфере уголовного судопроизводства. М., 2005. С. 36. Халиков А.Н. Правовые основы оперативно-розыскной деятельности. М., 2007. 54 б.

⁴ Маслов В.В. Деятельность суда по обеспечению прав и законных интересов граждан в процессе оперативно-розыскных мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2011. 181 с

⁵ Иванов В.И. Судебный контроль за осуществлением оперативно-розыскных мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2011. 232 б.

Мазкур босқичда суд назорати нафақат суд муҳокамасида тарафларнинг ўтказилган ТҚТларнинг қонунийлигини текшириш ҳақида илтимосномаси балки суднинг ташаббусига кўра амалга оширилиши мумкин. Бинобарин, суд муҳокамасида ишни мазмунан кўришда, ТҚТларнинг қонунийлигини текширишни ҳам суд назоратининг алоҳида шакли деб аташимиз мумкин. Бундан ташқари, ЖПКнинг 95¹-моддасига мувофиқ, терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

ТҚФ устидан суд назоратининг объекти ва назоратни амалга ошириш шакли уни дифференциация қилиш учун асос бўлади.

Бироқ, биз В.В.Масловнинг ТҚФ устидан суд назорати шакли судлар томонидан(қонун билан белгиланган тартибга мувофиқ) фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятининг муайян шаклининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш⁶ эканлиги ҳақида фикрига қўшилмаймиз, сабаби суд назорати шакли тезкор-қидирув фаолиятининг муайян шаклига боғлиқ эмас, балки назоратни амалга ошириш асоси билан боғлиқ. Жумладан, ТҚТларига рухсат бериш ҳақида илтимосномани кўриб чиқишда назорат, ТҚФни амалга оширувчи органнинг илтимосномасига кўра ёки кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ТҚТ ўтказилганлиги ҳақида хабарномасига асосан бошланса, ТҚФни амалга оширувчи органларга нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш тартиби учун манфаатдор шахснинг шикояти асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ТҚФ устидан суд назорати 3 хил шаклда амалга оширилиши ҳақида хулосага келишимиз мумкин:

1) ТҚФни амалга оширувчи органларнинг шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларига рухсат бериш ҳақида илтимосномаларининг (шу жумладан кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг қарорига асосан ўтказилган, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларининг) қонунийлиги ва асослилигини текшириш;

2) Манфаатдор шахсларнинг шикоятига асосан ТҚФни амалга оширувчи органларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш.

3) ТҚТ натижаларининг қонунийлигини суд муҳокамаси давомида текшириш.

REFERENCES

1. Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: Назарий ва методологик муаммолар. Юридик фанлари доктори дисс. -Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2005.-43 б.
2. Иванова Т.Ю. Участие прокурора в доказывании на предварительном следствии: Дис. канд. юрид. наук. Самара. 1999. 71 б.
3. Гуськова Н.Г., Муратова А.П. Судебное право: история и современность судебной власти в сфере уголовного судопроизводства. М., 2005. С. 36. Халиков А.Н. Правовые основы оперативно-розыскной деятельности. М., 2007. 54 б.

⁶ Маслов В.В. Деятельность суда по обеспечению прав и законных интересов граждан в процессе оперативно-розыскных мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2011. 61 б.

4. Маслов В.В. Деятельность суда по обеспечению прав и законных интересов граждан в процессе оперативно-розыскных мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2011. 181 с
5. Иванов В.И. Судебный контроль за осуществлением оперативно-розыскных мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2011. 232 б.
6. Маслов В.В. Деятельность суда по обеспечению прав и законных интересов граждан в процессе оперативно-розыскных мероприятий: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2011. 61 б.